2017 йил 22 май, душанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 105 (13.438)

Баҳоси эркин нархда

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ҚАРОРИ*

## МУБОРАК РАМАЗОН ОЙИНИ МУНОСИБ ТАРЗДА ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Бугунги кунда она юртимиз, Ўзбекистонимиз тараққиётнинг янги босқичига қадам қўйиб, барча соҳаларда катта ютуқ ва марраларни қўлга киритаётганини, диёримизда ҳукм сураётган тинч ва осойишта, фаровон ҳаётни, файз ва қут-баракани халқимиз авваламбор Яратганимизнинг чексиз марҳамати сифатида шукроналик ва розилик билан қабул қилмоқда.

Эл-юртимиз учун азалдан эзгулик, саховат, меҳр-шафқат рамзи бўлиб келаётган муборак Рамазон ойининг маънавий-руҳий ҳаётимиздаги алоҳида ўрни ва аҳамиятини инобатга олган ҳолда, жамиятимизда меҳр-оқибат, ўзаро аҳиллик ва ҳамжиҳатлик муҳитини янада мустаҳкамлаш, халқимизга мансуб олижаноб фазилатларни, диний-маърифий қадриятларимизни асраб-авайлаш ва улуғлаш мақсадида:

1. 2017 йил муборак Рамазон ойининг бошланиши 27 май кунига тўғри келиши ҳақидаги Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари "Нуроний" жамғармаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ва бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда Рамазон ойини жойларда миллий анъана ва қадриятлар, урф-одатларимизга мос ва уйғун тарзда ўтказиш билан боғлиқ чора-тадбирларни амалга оширсин.

Мазкур тадбирларни ўтказишда Рамазон ойининг мазмун-моҳиятида мужассам бўлган инсонийлик, маънавий поклик, шукроналик фазилатларини, муқаддас динимиз арконларини эъзозлаш, бугунги тинч ва осуда ҳаётимизнинг қадрига етиш, одамларни бир-бирига яхшилик қилишга, тотув ва баҳамжиҳат бўлиб яшашга даъват этадиган савобли амаллар ва тарғибот ишлари ташкил этилсин.

Ушбу қутлуғ ойда эҳтиёжманд кишиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, оилалар ва маҳаллаларда меҳр-оқибат ва ўзаро ҳурмат муҳитини мустаҳкамлаш, буюк алломалар, азиз-авлиёларимизнинг муқаддас зиёратгоҳларини ободонлаштириш бўйича олиб бориладиган тадбирларни янада кучайтиришга алоҳида аҳамият берилсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Рамазон ойини ўтказиш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2017 йил 19 май*

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

## "ЎЗБЕКГИДРОЭНЕРГО" АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизнинг гидроэнергетика салоҳиятидан самарали фойдаланиш, сув-энергетика ресурсларини бошқаришнинг ягона тизимини шакллантириш, электр энергия ишлаб чиқариш таркибида қайта тикланадиган гидроэнергетика ресурслари улушини изчил ошириш, янги экологик тоза энергия ҳосил қилувчи қувватларни ташкил этиш, мавжуд гидроэлектростанцияларни техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, гидроэнергетикани ривожлантиришга хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш ва шу асосда корхоналар ва аҳолининг электр энергияга бўлган эҳтиёжини янада тўлароқ қондиришни таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, "Ўзбекэнерго" акциядорлик жамиятининг:

"Ўзбекэнерго" акциядорлик жамиятининг гидроэлектростанциялари, гидротехник ва бошқа гидроэнергетика билан боғлиқ бўлинмалари;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг "Ўзсувэнерго" бирлашмаси негизида "Ўзбекгидроэнерго" акциядорлик жамиятини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Белгилансинки, "Ўзбекгидроэнерго" АЖ Вазирлар Маҳкамасининг Геология, ёқилғи-энергетика комплекси, кимё, нефть-кимё ва металлургия саноати масалалари комплекси таркибига киради.

3. Қуйидагилар "Ўзбекгидроэнерго" АЖнинг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари этиб белгилансин:

гидроэлектростанцияларда электр энергияси ишлаб чиқариш соҳасида ягона техник сиёсатни амалга ошириш, гидротехник иншоотлардан хавфсиз ва самарали фойдаланишни таъминлаш, шунингдек, гидроэнергетика объектларини марказлаштирилган технологик бошқариш;

гидроэнергетика салоҳиятини комплекс ўзлаштириш асосида гидроэнергетика соҳасини ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ҳамда республикамизнинг энергетика баланси таркибида гидроэнергетиканинг улушини кўпайтиришни таъминлаш;

йирик, ўрта, кичик ва микро гидроэлектростанцияларни лойиҳалаштириш ва қуриш соҳасида замонавий ва ҳар томонлама чуқур асосланган илмий-техник ечимлар асосида янги гидроэлектростанциялар қуриш ва ишлаб турганларини модернизациялаш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш;

янги гидроэлектростанциялар қуриш ва ишлаб турганларини модернизация қилиш бўйича лойиҳаларни амалга оширишга хорижий инвестициялар ва илғор технологияларни жалб этиш бўйича халқаро компаниялар ва молия институтлари билан ҳамкорликни ривожлантириш;

республикамизнинг сув салоҳиятига тежамкорлик билан муносабатда бўлишни таъминлаш, гидротехника иншоотларини қуриш ва улардан фойдаланишда мавжуд флора ва фаунани сақлаш, шунингдек, мамлакатимизнинг иқлим, табиий ва бошқа хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда сув ресурсларини самарали бошқариш;

гидроэнергетика соҳасида олий ва ўрта махсус маълумотга эга бўлган кадрларни тизимли асосда тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш.

*(Давоми 2-бетда)*

***Ўзбекистон Бадиий академияси Камолиддин Беҳзод номидаги мемориал боғ-музейида Ўзбекистон халқ амалий санъати усталарининг "Абадият жилоси" номли кўргазмаси очилди.***

**ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ**



## ХАЛҚ АМАЛИЙ САНЪАТИ ДУРДОНАЛАРИ

Ўзбекистон Бадиий академияси раиси А.Нуриддинов ва бошқалар мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида миллий-маданий меросимиз, жумладан, ҳунармандликни янада ривожлантириш, халқ амалий санъати усталарининг меҳнатини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга доимий эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 2 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони халқимизнинг қадимий ва ноёб маданиятини янада ривожлантириш, миллий ҳунармандлик маҳсулотларини кенг тарғиб этиш борасидаги ишларни янги босқичга кўтаришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Қўли гул усталарнинг нақшинкор гул композицияси, ганчкор устунлар, мураккаб геометрик усулдаги ўткир қиррали меҳроб аркаси, миллий чолғу асбоблари, кулоллик буюмлари – лаган, коса, гулдон, узоқ тарихдан сўзловчи миллий халқ ҳунармандлиги буюмлари ўзининг фусункорлиги, нақшлар жилоси билан иштирокчиларни ўзига тортмоқда.

– Миллийлигимизни ўзида акс эттириб турувчи халқ амалий санъати намуналари билан келажак авлодни таништириш биз усталарнинг олдимизда турган шарафли вазифалардан биридир, – дейди ЎзА мухбирига санъатшунос Саидахбор Бўлатов. – Эртамиз эгаларига аждодларимиздан мерос бу ҳунар сир-асрорларини ўргатиш, уларнинг ушбу ҳунарга бўлган қизиқишини ошириш мақсадимиздир.

Мазкур кўргазмада йигирмадан ортиқ уста-ҳунарманднинг ганчкорлик, наққошлик, ёғоч ўймакорлиги, кулолчилик, хаттотлик каби ишлари томошабинлар эътиборига ҳавола этилмоқда.

**Ш.МАМАТУРОПОВА**

## ХИТОЙ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ УЧРАШУВЛАРИ

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатида Бутунхитой халқ вакиллари кенгаши Доимий қўмитаси раисининг ўринбосари, бош котиби Ван Чэн билан учрашув бўлиб ўтди.**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Н.Исмоилов Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги муносабатлар ўзаро ишонч ва манфаатдорлик, стратегик шериклик тамойиллари асосида изчил ривожланаётганини, бунда икки давлат раҳбарлари учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 11-13 май кунлари Хитойга давлат ташрифи ўзаро стратегик шериклик муносабатларини янги босқичга кўтарди.

Томонлар Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги парламентлараро ҳамкорлик мустаҳкамланиб бораётгани, икки мамлакат парламентлари делегацияларининг учрашувлари мунтазам ўтказилаётганини қайд этди. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 13 май куни Бутунхитой халқ вакиллари кенгашининг Доимий қўмитаси раиси Чжан Дэцзян билан учрашуви парламентлараро алоқалар ривожида муҳим аҳамият касб этгани таъкидланди.

Хитой делегацияси аъзолари мамлакатимиз Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, унинг қўмиталари, фракциялари ва депутатлик гуруҳлари фаолияти билан таништирилди. Ўзбекистон ва Хитойнинг қонун чиқарувчи органлари ўртасидаги ҳамкорликнинг турли йўналишлари, ахборот-таҳлилий фаолият, икки мамлакат соҳа мутахассисларини жалб этган ҳолда халқаро анжуманлар ташкил этишга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

– Ўзбекистон Европа билан Осиёни боғловчи ўзига хос кўприк, иқтисодий-ижтимоий соҳада улкан ютуқларга эришаётган, табиий ресурсларга бой мамлакатдир, – деди Ван Чэн. – Хитой Ўзбекистонни ишончли шерик, деб билади. Ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор билан қарайди. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Хитойга давлат ташрифи доирасида савдо, иқтисодиёт, сармоя, нефть-газ, транспорт ва транспорт коммуникациялари, туризм, таълим каби кўплаб соҳаларда ҳамкорликни янада ривожлантиришга оид келишувларга эришилди, ўзаро манфаатли шартномалар имзоланди. Ўзбекистоннинг "Бир макон, бир йўл" лойиҳасида иштироки икки ва кўп томонлама ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантиришга хизмат қилади. Ўзаро ишонч ва дўстликка асосланган муносабатларни янада тараққий эттиришдан манфаатдормиз. Давлатларимиз раҳбарлари учрашувларида эришилган келишувлар, қўшма лойиҳаларни амалга ошириш учун бор имкониятимизни ишга соламиз.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Н.Йўлдошев билан учрашувда Ўзбекистон ва Хитой парламентлари ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, парламентлараро муносабатларни янада ривожлантириш тадбирларини ташкил этиш, қонун ижодкорлиги бўйича тажриба алмашишга доир масалалар муҳокама этилди.

Меҳмонларга Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан қабул қилинган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, Олий Мажлис Сенати фаолияти ҳақида сўзлаб берилди.

Ван Чэн Ҳаракатлар стратегияси Ўзбекистоннинг барча соҳаларда янада улкан ютуқларга эришишида, мамлакатнинг изчил тараққий этишида ҳуқуқий асос эканини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Бутунхитой халқ вакиллари кенгаши Доимий қўмитаси ўртасида 2011 йилда имзоланган ҳамкорлик тўғрисида меморандум ўзаро алоқалар ривожида муҳим аҳамият касб этаётгани қайд этилди. Ҳар томонлама изчил ривожланиб бораётган стратегик ҳамкорликдан келиб чиққан ҳолда ушбу ҳужжатни янада такомиллаштириш зарурлиги таъкидланди.

Парламентлараро муносабатларни ривожлантиришнинг жорий босқичи юқори баҳоланиши таъкидланди, ўзаро манфаатли масалалар юзасидан фикр, тажриба ҳамда ахборот алмашиш жараёнини янада фаоллаштиришга келишиб олинди.

**Н.МАНЗУРОВА,**
**ЎзА мухбири**

## ХАЛҚАРО ПАТЕНТ ТИЗИМИ ТАЖРИБАЛАРИ АМАЛИЁТГА ИЗЧИЛ ЖОРИЙ ҚИЛИНМОҚДА

***Пойтахтимизда "Миллий ва халқаро патент тизими. Электрон тарзда талабномалар топшириш ва патент жараёнларини амалга ошириш" мавзуида минтақавий семинар ташкил этилди.***

Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги ва Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда мазкур халқаро ташкилот вакиллари, Россия, Жанубий Корея, Япония, Озарбайжон, Қозоғистон, Украина каби давлатлардан келган мутахассислар, Ўзбекистон Фанлар академиясининг илмий-тадқиқот институтлари олимлари, олий ўқув юртлари проректорлари, патентшунослар иштирок этди.

Интеллектуал мулк агентлиги бош директори Алишер Файзуллаев ва бошқалар мамлакатимизда интеллектуал мулк ҳуқуқига оид қонунчиликни ислоҳ қилиш жараёни изчил амалга оширилаётгани ихтиролар, саноат намуналари, фойдали моделлар, товар белгилари ва интеллектуал мулкнинг бошқа объектларини патентлаш, уларни қонун доирасида ҳимоя қилиш, илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини мустаҳкамлашда муҳим ҳуқуқий асос бўлаётганини таъкидлади. Бу жараёнда жаҳон патент тизими, интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш бўйича халқаро тажриба изчил ўрганилиб, амалиётга самарали татбиқ этилмоқда.

Мазкур семинар иштирокчиларни интеллектуал мулк тизимини ривожлантириш билан боғлиқ халқаро тажриба билан яқиндан таништириш мақсадида ташкил қилинди. Бу замонавий ахборот технологияларига таянган ҳолда патент тизимидаги хизматларни яхшилаш, миллий патент тизимининг патент муҳофазасини соддалаштириш, электрон тарзда талабномаларни топшириш, қабул қилиш ва кўриб чиқишни жорий қилишда муҳим аҳамиятга эга.

Мамлакатимиз мустақилликка эришган йили Жаҳон интеллектуал мулк ташкилотига аъзо бўлиб кирди. 1992 йили интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг миллий тизими яратилди. Бу борада ваколатли давлат органлари ташкил этилди. Ўтган даврда Патент кооперацияси тўғрисида, Патент ҳуқуқи тўғрисидаги шартномалар, Патент тадбирлари мақсадлари учун микроорганизмларни депонентлаштиришни халқаро эътироф этиш тўғрисидаги Будапешт шартномаси, Халқаро патент таснифи тўғрисидаги Страсбург битими сингари қатор халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар ратификация қилинди.

*(Давоми 2-бетда)*

## ХХI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**● Нукусда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 21 апрелдаги "Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиш тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилинган бир гуруҳ шахсларга фуқаролик паспорти тантанали равишда топширилди.**

**● Навоийда "Юксак маънавиятли авлод" республика ёшлар фестивалининг вилоят босқичи ўтказилди. Республика Маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими ва вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган фестивалда умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари, олий ўқув юртлари талабалари "Президент асарлари билимдони", "Бадиий ижод", "Энг истеъдодли ҳунарманд", "Ўз асарида миллийликни акс эттирган рассом", "Ўз асарида миллийликни ифодалаган дизайнер", "Ватан куйчиси" каби 8 номинация бўйича турли ёш гуруҳларида ғолиблик учун баҳслашди.**

**● Андижон вилоятининг Асака тумани марказидаги "Тантана" тўйхонасида Асака, Шаҳрихон, Балиқчи ва Олтинкўл туманларидан 21 боланинг суннат тўйи ўтказилди. "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" Давлат дастури ижроси доирасида вилоят ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси, касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси, туманлар ҳокимликлари ва қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилган тантанада тўй болаларнинг ота-оналари, қариндош-уруғлари, маҳалла фаоллари, меҳнат фахрийлари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.**

### ЖАҲОНДА

**● Швейцарияда келгусида атом электр станцияларидан фойдаланиш кераклиги ёки йўқлиги масаласига бағишланган референдум ўтказилди. Унда табиий энергия тарафдорлари ғалабага эришишди – 58 фоиз аҳоли АЭСлардан воз кечишни ёқлаб овоз берди. Эндиликда ушбу мамлакатда атом электр станциялари қурилмайди, мавжудларининг фаолияти аста-секин тўхтатилиб, келгусида ГЭСлар ва қуёш энергиясидан янада кенгроқ фойдаланиш йўлга қўйилади.**

**● Компьютер тизимида юзага келган носозликлар туфайли Австралия ва Янги Зеландиядаги бир қатор аэропортлар тўлақонли равишда фаолият кўрсата олмаяпти.**

virtual.vto@umail.uz,
gazeta-vto@umail.uz


*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

# "ЎЗБЕКГИДРОЭНЕРГО" АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

4. Белгилансинки:

"Ўзбекгидроэнерго" АЖ "Ўзбекэнерго" акциядорлик жамиятининг гидроэлектростанциялари, гидротехник ва бошқа гидроэнергетика билан боғлиқ бўлинмалари, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг "Ўзсувэнерго" бирлашмаси, "ТўполангсувГЭСқурилиш" МЧЖнинг, шу жумладан, халқаро молия институтлари, ташкилотлар ва донор мамлакатлар билан тузилган амалдаги битимлар доирасида ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

ташкил этилаётган "Ўзбекгидроэнерго" АЖнинг дастлабки устав капитали гидроэнергетика энергия ҳосил қилувчи корхоналарининг давлат улуши номинал қиймати бўйича берилиши, шунингдек, "Гидролойиҳа" АЖ, "Гидромахсусқурилиш" АЖ, "Ўзбекгидроэнергоқурилиш" АЖ ва "Сувсаноатмаш" АЖнинг устав капиталидаги акцияларнинг давлат пакетлари ҳисобига шакллантирилади.

5. "Ўзбекгидроэнерго" АЖга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 майдаги ПҚ-2947-сонли қарори билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда гидроэнергетикани янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини таъминлаш бўйича ижро этувчи ва масъул орган вазифаси юклансин.

Белгилаб қўйилсинки:

"Ўзбекгидроэнерго" АЖнинг гидроэлектростанцияларида ишлаб чиқарилган электр энергиясини сотишдан тушган маблағлар, фаолият юритаётган гидроэлектростанцияларни сақлаб туриш харажатларини чегириб ташлаган ҳолда, қайта инвестициялаш йўли билан Дастурда назарда тутилган янги гидроэлектростанциялар қуриш ва ишлаб турганларини модернизация қилишга йўналтирилади ҳамда юридик шахсларнинг фойда солиғи солиқ базасидан чиқарилади;

"Ўзбекгидроэнерго" АЖнинг гидроэлектростанцияларида ишлаб чиқарилган электр энергия учун ҳақ тўлаш қўшилган қиймат солиғини ҳисобга олган ҳолда истеъмолчилар учун пировард тарифнинг 85 фоизи миқдорида шакллантириладиган тарифлар бўйича амалга оширилади.

6. Белгилансинки, энергетика тизими барқарор ва ишончли ишлашини таъминлаш мақсадида "Ўзбекэнерго" АЖ:

Миллий диспетчерлик маркази орқали "Ўзбекгидроэнерго" АЖ корхоналарининг тезкор-диспетчер бошқарув масалалари умумий мувофиқлаштирилишини;

"Ўзбекэнерго" АЖ корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган электр энергиянинг 100 фоиз харид қилинишини амалга оширади.

7. "Ўзбекгидроэнерго" АЖни ташкил этиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширишни мувофиқлаштириш ва амалий ёрдам кўрсатиш бўйича иловага мувофиқ таркибда Ишчи комиссия ташкил этилсин.

Ишчи комиссия (F.И.Ибрагимов) чуқур ва таҳлилий танқид асосида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекгидроэнерго" акциядорлик жамияти фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори лойиҳасини тасдиқлаш учун бир ҳафта муддатда белгиланган тартибда киритсин, унда "Ўзбекгидроэнерго" АЖ ва унинг таркибига кирадиган корхоналарнинг фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирларини назарда тутсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, "Ўзбекэнерго" АЖ, "Ўзбекгидроэнерго" АЖ Адлия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2017 йил 18 май*

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2017 ЙИЛ 18 МАЙДАГИ "ЎЗБЕКГИДРОЭНЕРГО" АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА"ГИ ФАРМОНИГА ШАРҲ

Ўзбекистон гидроэнергетика ресурсларига бой мамлакат ҳисобланади. Бу борада республикамизда ўзлаштирилиши мумкин бўлган гидроэнергетика ресурслари йилига 27,4 миллиард киловатт/соат электроэнергия ишлаб чиқариш ҳажмига тенглигини айтишнинг ўзи кифоя. Шу билан бирга, ҳозирда мамлакатимиз гидроэнергетика салоҳиятининг атиги 6,5 миллиард киловатт/соати ёки 23,7 фоизи ўзлаштирилган, холос.

Гидроэнергетика ресурслари табиий, экологик тоза ва қайта тикланувчи энергия манбаи бўлгани сабабли улардан фойдаланишни ҳар томонлама кенгайтириш республикамизнинг замонавий тараққиёт стратегиясига мосдир. Бу саноат ва коммунал корхоналари, қишлоқ хўжалиги ва ҳудудларда аҳолининг электр энергиясига ошиб бораётган эҳтиёжини кафолатли қоплашни, мамлакатимиздаги органик ёқилғи захираларидан оқилона фойдаланиш ва уларни тежашни, шунингдек, атроф-муҳитга зарарли чиқиндилар чиқарилиши камайтирилишини таъминлайди.

Бугунги кунда Ўзбекистон гидроэнергетика соҳаси 36 та гидроэлектростанцияни ўз ичига олади, улардан 25 таси қирқ-саксон йил муқаддам ишга туширилган ва ўзининг техник ресурсларини деярли ўтаб бўлган, асбоб-ускуналар ва иншоотлар модернизация ва реконструкцияга муҳтождир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 майдаги 2017-2021 йилларда гидроэнергетикани янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисидаги ПҚ-2947-сонли қарори республикамизнинг гидроэнергетика салоҳиятидан самарали фойдаланиш, электр энергия ишлаб чиқариш таркибида қайта тикланувчи гидроэнергетик ресурслар улушини ошириш, янги экологик тоза ишлаб чиқариш қувватларини яратиш ҳамда мавжуд гидроэлектростанцияларни техник ва технологик қайта жиҳозлаш мақсадида қабул қилинди.

Айтиш жоизки, гидроэлектростанцияларнинг умумий сонидан йилига ўртача 5,2 миллиард киловатт/соат электр энергияси ишлаб чиқариш қувватига эга 28 таси "Ўзбекэнерго" акциядорлик жамияти тизимига, йилига ўртача 1,3 миллиард киловатт/соат электр энергияси ишлаб чиқариш қувватига эга 8 та гидроэлектростанция эса Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги "Ўзсувэнерго" бирлашмаси тасарруфидадир. Бу каби бўлиниш пировардида гидроэнергетика соҳасини техник бошқаришнинг зарурий яхлитлигини таъминламайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан мамлакатимизнинг сув-энергетика ресурсларини бошқаришнинг ягона тизимини шакллантириш, гидроэнергетикани ривожлантиришга изчил равишда хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш ва шу асосда корхоналар ва аҳолининг электр энергияга бўлган эҳтиёжи тўлиқ қондирилишини таъминлаш мақсадида илгари "Ўзбекэнерго" акциядорлик жамияти таркибига кирган, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг "Ўзсувэнерго" бирлашмасига қарашли бўлган барча гидроэлектростанцияларни бирлаштирувчи "Ўзбекгидроэнерго" акциядорлик жамиятини ташкил этиш кўзда тутилган.

"Ўзбекгидроэнерго" акциядорлик жамияти зиммасига қуйидаги муҳим вазифалар юкланмоқда:

гидроэлектростанцияларда электр энергия ишлаб чиқариш соҳасида ягона техник сиёсатни амалга ошириш, гидротехник иншоотлардан хавфсиз ва самарали фойдаланишни таъминлаш, шунингдек, гидроэнергетика объектларини марказлаштирилган технологик бошқариш;

гидроэнергетика салоҳиятини комплекс ўзлаштириш асосида гидроэнергетика соҳасини ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ҳамда республикамизнинг энергетика баланси таркибида гидроэнергетиканинг улушини кўпайтиришни таъминлаш;

йирик, ўрта, кичик ва микро гидроэлектростанцияларни лойиҳалаштириш ва қуриш соҳасида замонавий ва ҳар томонлама чуқур асосланган илмий-техник ечимлар асосида янги гидроэлектростанциялар қуриш ва ишлаб турганларини модернизациялаш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш;

янги гидроэлектростанциялар қуриш ва ишлаб турганларини модернизация қилиш бўйича лойиҳаларни амалга оширишга хорижий инвестициялар ва илғор технологияларни жалб этиш бўйича халқаро компаниялар ва молия институтлари билан ҳамкорликни ривожлантириш;

республикамизнинг сув салоҳиятига тежамкорлик билан муносабатда бўлишни таъминлаш, гидротехника иншоотларини қуриш ва улардан фойдаланишда мавжуд флора ва фаунани сақлаш, шунингдек, мамлакатимизнинг иқлим, табиий ва бошқа хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда сув ресурсларини самарали бошқариш;

гидроэнергетика соҳасида олий ва ўрта махсус маълумотга эга бўлган кадрларни тизимли асосда тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш.

Ўз навбатида, "Ўзбекгидроэнерго" акциядорлик жамиятига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 майдаги ПҚ-2947-сонли қарори билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда гидроэнергетикани янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастурини ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш бўйича ижро этувчи ва масъул орган функциялари юклатилганлигини таъкидлаш лозим.

Мамлакатимиз энергетика тизимининг барқарор ва ишончли фаолиятини таъминлаш мақсадида "Ўзбекэнерго" акциядорлик жамиятининг қуйидаги ҳуқуқлари сақлаб қолинди:

мавжуд Миллий диспетчерлик маркази орқали "Ўзбекгидроэнерго" акциядорлик жамияти корхоналарини тезкор-диспетчерлик бошқариш масалаларини яхлит мувофиқлаштириш;

"Ўзбекгидроэнерго" акциядорлик жамияти корхоналари томонидан ишлаб чиқариладиган электр энергиясини юз фоиз харид қилиш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон ижроси доирасида қабул қилинган "Ўзбекгидроэнерго" акциядорлик жамияти фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори билан ташкил этилаётган "Ўзбекгидроэнерго" акциядорлик жамиятининг тузилмаси тасдиқланди ва унинг устав жамғармасини шакллантириш ва таъсис ҳужжатларини тасдиқлаш билан боғлиқ тегишли топшириқлар берилди.

"Ўзбекгидроэнерго" акциядорлик жамиятига республикамизда ва хорижда, жумладан, етакчи хорижий инжиниринг, консалтинг ва қурилиш компаниялари билан инвестиция лойиҳаларини ҳамкорликда амалга ошириш учун консорциумлар ва ихтисослаштирилган шўъба корхоналар ташкил этишга рухсат берилди.

Қабул қилинган қарор билан "Гидролойиҳа" акциядорлик жамияти "Ўзбекгидроэнерго" акциядорлик жамиятининг инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳаолди ва лойиҳалаш ҳужжатларини ишлаб чиқиш борасида бош лойиҳаловчи этиб белгиланди, "ТўполангсувГЭСқурилиш" масъулияти чекланган жамиятига эса халқаро молиявий институтлар ва донор мамлакатларнинг шартлари асосида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларидан ташқари "Ўзбекгидроэнерго" акциядорлик жамияти объектларини қуриш ва модернизация қилиш бўйича бош пудратчи функциялари юкланди.

Ўз навбатида, "Гидролойиҳа" акциядорлик жамиятига "Ўзбекгидроэнерго" акциядорлик жамияти билан келишилган ҳолда, гидроэнергетика объектларини қуриш ва модернизация қилиш бўйича инвестиция лойиҳалари доирасида лойиҳаолди ва лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун энг яхши маҳаллий ва хорижий ихтисослаштирилган лойиҳа ва инжиниринг ташкилотларини, шунингдек, етакчи мутахассислар ва экспертларни, субпудратчилар сифатида уларнинг ишини мувофиқлаштирган ҳолда, шартнома асосида жалб этиш ҳуқуқи берилди.

Гидроэнергетика соҳасининг олий ва ўрта махсус маълумотли, касб-ҳунарга эга малакали кадрларга бўлган талабини аниқлаш ва уларни республикамизнинг олий таълим муассасалари ва касб-ҳунар коллежларида, идоравий мансублигидан қатъи назар, тайёрлаш бўйича масъул орган функциялари "Ўзбекгидроэнерго" акциядорлик жамиятига юкланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги ва "Ўзбекгидроэнерго" акциядорлик жамиятига бошқа манфаатдор вазирлик, идоралар ва хўжалик бирлашмалари билан биргаликда бажариш учун қуйидаги топшириқлар берилди:

гидроэнергетика соҳаси учун малакали кадрлар тайёрлаш борасида олий маълумот йўналишлари ва мутахассисликлари, ўрта махсус, касб-ҳунар йўналишлари, касблари ва мутахассисликлари рўйхатини ҳамда уларни тайёрловчи олий таълим муассасалари ва касб-ҳунар коллежларини аниқ белгилаш;

гидроэлектростанцияларда, гидротехника ва гидроэнергетика билан боғлиқ корхона ва ташкилотларда мажбурий ўқиш, амалиёт ва тажриба ўташни киритган ҳолда, таълим стандартлари, ўқув режалари ва дастурларини замонавий талаблар ва халқаро тажриба асосида танқидий қайта кўриб чиқиш;

ҳар йили ихтисослаштирилган олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларига қабул квоталарини шакллантириш давомида 2017-2021 йилларда гидроэнергетикани янада ривожлантириш бўйича қабул қилинган Дастур амалга оширилишини инобатга олган ҳолда, гидроэнергетика соҳасининг малакали мутахассисларга бўлган ҳақиқий талабини назарда тутиш;

олий таълим муассасалари ва касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг танлаган касблари ва мутахассисликлари бўйича гидроэнергетика соҳасидаги корхона ва ташкилотларда иш билан таъминланишлари устидан назорат, шунингдек, биринчи навбатда, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари раҳбарлари жавобгарлигини оширишнинг амалий механизмларини таъминлаш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қабул қилинган Фармони ва қарори ва амалга оширилиши қуйидагиларга имкон яратади:

биринчидан, республикамизда мавжуд барча гидроэлектростанциянинг моддий-техник базасини ва уларга хизмат кўрсатувчи қурилиш, монтаж, таъмирлаш, созлаш, илмий-лойиҳалаштириш ташкилотларини ягона гидроэнергетика соҳасига бирлаштириш;

иккинчидан, электр энергиясини ишлаб чиқариш тартибини мувофиқлаштириш, гидроэлектростанцияларнинг асбоб-ускуналари ва иншоотларидан кўп йиллик хавфсиз фойдаланиш стратегиясини амалга ошириш, соҳани динамик ривожлантириш, ҳуқуқий ва норматив-методик базасини такомиллаштириш, юқори малакали мутахассисларни шакллантириш орқали гидроэнергетиканинг ташкилий, молиявий ва технологик бошқарувини амалга ошириш;

учинчидан, замонавий технологиялар ва жиҳозларни қўллаб, уларни эҳтимолий мужассамлаштириш ва стандартлаштириш, гидроэлектростанцияларни лойиҳалаштириш, қуриш ва назорат қилишда халқаро илмий-техник ютуқларни қўллаш орқали юқори энергетика кўрсаткичларини ва гидроэлектростанцияларнинг мақбул иш тартиби ва самарадорлигини таъминлаш;

тўртинчидан, мамлакатдаги гидроэнергетика ресурсларидан тўлақонли фойдаланиш, мавжуд бўлган гидроэлектростанцияларни янгилаш ва тўлиқ ишлашини таъминлаш, Ўзбекистон энергетика баланси таркибида гидроэнергетика улушини ошириш учун турли қувватлардаги гидроэлектростанцияларни қуришни таъминловчи гидроэнергетикани босқичма-босқич ривожлантириш дастурини татбиқ этиш;

бешинчидан, мавжуд табиий салоҳият ва атроф-муҳитга эҳтиёткорона муносабат орқали республикамизда сув ва энергетика манбалари комплекс ўзлаштирилишини таъминлаш, энергетика, сув хўжалиги, ирригация, ичимлик суви ҳамда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш манфаатлари йўлида улардан оқилона фойдаланиш;

олтинчидан, юқори технологик меҳнат фаолиятининг нуфузини рағбатлантирган ҳолда, гидроэнергетика соҳасида билим олишга, кўникма ва малакаларини оширишга, турмуш тарзи ва сифатини кўтаришга интиладиган малакали муҳандис-техник ва касб-ҳунарли кадрларни амалий тайёрлаш, ўстириш ва тарбиялаш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекгидроэнерго" акциядорлик жамиятини ташкил этиш тўғрисида"ги Фармони ва "Ўзбекгидроэнерго" акциядорлик жамияти фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори мамлакатимизнинг энергетика мустақиллигини кучайтириш, мавжуд гидроэлектростанциялардан самарали ва хавфсиз фойдаланиш, юқори маневрли ва самарали янги электр энергияси ишлаб чиқариш ташкилотларини тузиш орқали Ўзбекистонда ягона гидроэнергетика соҳасини яратиш йўлида улкан қадам ҳисобланади.

**Қарор ва ижро**

## АГЕНТЛИК ФАОЛИЯТИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

***Миллий матбуот марказида "Ўзстандарт" агентлиги томонидан 20 май – Умумжаҳон метрология куни муносабати билан ўлчашлар бирлигини таъминлашнинг долзарб масалаларига бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди.***

Агентликнинг бош метрологи А.Абдуқаюмов ва бошқалар мамлакатимизда барча тизимлар қаторида стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш ва аккредитация соҳаларини такомиллаштиришга қаратилган қатор қонун ва қонуности ҳужжатлар қабул қилиниб, уларнинг ҳаётга татбиқ этилиши амалий аҳамият касб этаётганини алоҳида қайд этди. Бу жараёнда Ўзбекистон Республикасининг "Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида"ги, "Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида"ги қонунлари маҳсулотларимизни баҳолаш натижаларини тан олиш йўлидаги вазифаларнинг сифатли амалга оширилишига асос бўлмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 28 апрелдаги "Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори агентлик фаолиятини халқаро талабларга мувофиқ ривожлантиришда муҳим қадам бўлди. Мазкур қарорга асосан "Миллий эталонлар маркази" давлат муассасаси, "Метрология хизматлари кўрсатиш маркази" давлат корхонаси ва "Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш илмий-тадқиқот институти" давлат муассасасининг метрологик бўлинмалари негизида Ўзбекистон миллий метрология институти ташкил этилди.

– Мазкур давлат корхонаси Ўзбекистон Республикаси Миллий эталонлар базасини такомиллаштириш ва ривожлантириш бўйича чораларни амалга оширади, – дейди ЎзА мухбирига "Метрология хизматлари кўрсатиш маркази" давлат корхонаси директори ўринбосари Маҳмуд Хайруллаев. – Эталонлар, энг юқори аниқликдаги ўлчов воситаларини сақлаб туриш, уларни халқаро даражада солиштириш ҳамда ўлчов бирликларини сақлаш ва узатишда муҳим роль ўйнайди. Ўлчовларнинг ягона бирлигини таъминлаш бўйича норматив ҳужжатларни ишлаб чиқади. Метрологик назорат натижаларини ўзаро тан олиш бўйича халқаро шартномалар, метрологик текширув ва илмий-тадқиқот ишларини олиб боради. Яна бир эътиборли жиҳати, 15 юқори аниқликдаги эталонни харид қилиш режалаштирилди. Бу ишимизни халқаро меъёрлар даражасида такомиллаштириш имконини беради.

Тадбирда www.standart.uz сайти, "ишонч телефонлари", "Ўзстандарт" агентлиги бош директори виртуал қабулхонаси, "Ягона дарча" орқали ҳамда фуқароларнинг тўғридан-тўғри мурожаатларида билдирилаётган соҳага доир масалалар, муаммолар ва таклифлар юзасидан ҳам маълумот берилди.

**Н.ЗИЁДУЛЛАЕВА**

## ХАЛҚАРО ПАТЕНТ ТИЗИМИ ТАЖРИБАЛАРИ АМАЛИЁТГА ИЗЧИЛ ЖОРИЙ ҚИЛИНМОҚДА

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Патент ҳамкорлиги тўғрисидаги халқаро шартнома 1970 йили Вашингтонда имзоланган, 1978 йил 1 июндан кучга кирган. Шу куни биринчи халқаро талабнома топширилган. Мазкур халқаро шартнома бўйича шартномага аъзо давлатларда битта халқаро патент талабномасини топшириш орқали ихтирони патентлашни амалга ошириш имкониятлари мавжуд. Мамлакатимиз 1991 йили мазкур халқаро шартномага қўшилган.

Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигидан маълум қилишларича, сўнгги беш йилда агентликка ихтироларни патентлаштириш юзасидан 3 минг 800 дан ортиқ талабнома келиб тушган. Давлат реестрларида 1 минг 160 ихтиро рўйхатга олинган. Эътиборлиси, талабномаларнинг 1 минг 104 таси Патент ҳамкорлиги тўғрисидаги халқаро шартнома бўйича юборилган. Хусусан, уларнинг 315 таси АҚШ, 143 таси Швейцария, 129 таси Япония, 39 таси Жанубий Корея, 30 таси Россия ҳиссасига тўғри келади.

– Ўзбекистон қадимдан буюк алломалар Ватани бўлган, бу заминдан етишиб чиққан улуғ мутафаккирлар инсоният цивилизациясига беқиёс ҳисса қўшган, – дейди Евроосиё патент идорасининг экспертиза бўлими директори Дмитрий Рогожин. – Бугун Ўзбекистонда ана шу илм-фан анъаналари муносиб давом эттирилмоқда. Бунда ихтироларнинг халқаро миқёсда тан олинишида Патент ҳамкорлиги тўғрисидаги халқаро шартнома катта имкониятлар беради. Ушбу халқаро ҳужжат талабномалари бўйича иш юритиш, электрон хизматлар тўғрисидаги тажрибамиз юзасидан фикр алмашдик.

Семинарда халқаро патент тизими, Жаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг онлайн имкониятларидан фойдаланиш, Евроосиё патент идорасининг патент муҳофазаси бўйича минтақавий тизими, электрон хизматлар ва маҳсулотлар масалалари, миллий ва халқаро патент тизимларини ривожлантириш муаммолари, уларнинг ечимлари ва истиқболдаги вазифалар муҳокама қилинди.

**Моҳигул ҚОСИМОВА,**
**ЎзА мухбири**

***Махсус мухбиримизнинг давлат унитар корхонаси “Сувсоз” тресті шаҳар сув тармоқлари бошқармаси бошлиғи Ғайбулла Солиҳов билан суҳбати пойтахт аҳолисини сув билан узлуксиз таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар, бу борада соҳага янги технологияларнинг жорий этилиши масалаларига бағишланди.***

Коммунал хизмат

# “СУВСОЗ” ТИЗИМИГА ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ЖОРИЙ ЭТИЛМОҚДА

**— Ғайбулла Эргашевич, Тошкент халқига сув беришдек савобли иш кам одамларга насиб қилган. Мана шундай инсонлардан Зокир Солихўжаев, Дўнон Казибеков билан бир неча марта суҳбатлашганман. Ўшанга ҳам чорак аср бўлди, аммо бир-биримизга бўлган меҳр пасаймади. Шу билан бир вақтда ҳозирда ДУК “Сувсоз” бошқарувчиси Хусниддин Маҳкамов билан суҳбат чоғида сиз ҳақингизда жуда илиқ сўзлар айтдилар. Сиз “Сувсоз”да салкам 30 йилдан буён ишлаб келаётган энг тажрибали, масъулиятни чуқур ҳис қиладиган, жонкуяр раҳбардан бири экансиз. Инсоний хислатларингиз ҳақида ҳам гапириб бердилар. Шу боис гапни меҳрдан бошласак. Сиз фаолият юритаётган ташкилотда ходимларга меҳр билан муносабатда бўлишга қандай эътибор қаратилади?**

— Яхши савол. Буюк файласуф И.Гёте “Барча камчиликлардан қатъи назар одамлар ҳар нарсадан ҳам кўра кўпроқ меҳрга лойиқ”, дея бежиз таъкидламаган. Дарҳақиқат, меҳр ҳақида соатлаб гапирганимизда ҳам суҳбатимиз тугамайди. Барчамиз бугун шижоатли меҳнат қилиш давридамиз. Ҳар бир касб эгаси ўз ишига меҳрли бўлсагина у унади, ўсади. Инсонларга ва албатта ўз ишига меҳр билан муносабатда бўлганлар жуда кўп. Сув берувчи бамисоли сут, яъни оқлик тарқатувчидек ҳеч қачон ҳеч кимни алдамасдан ҳалол ишлаши керак, деб ҳисоблайман. Бизнинг ташкилотимизда бундайлар кўпчиликни ташкил этади.

**— Ер хазина, сув — олтин, — дейди халқимиз. Демак сизлар халқимизга олтин улашасиз.**

— Шунинг учун сувнинг бир томчисини ҳам нобуд қилмай ишлатиш ҳақида кўп гапирамиз-да. Ким олтинни бекордан бекорга сарфлайди? Сув илоҳий неъмат бўлгани боис унинг ҳам ҳар бир заррасини кўз қорачиғини сақлагандек асраш керак.

**— “Сувсоз” шу аснода қандай савобли ишлар қилмоқда деган умумий саволга жавоб қайтарсангиз. Сайёрамизнинг деярли 80 фоизи сув билан қопланган бўлсада, унинг атиги 6 фоизи чучук сувдан иборат. Шу сувнинг ҳам бор-йўғи 2,5 фоизи истеъмол учун яроқли экан.**

— Дарҳақиқат, ҳозирги кунда дунёда ҳар 6 кишидан бири — тоза ичимлик сувига зор. Энди саволингизга жавоб бераман. Бугунга келиб, “Сувсоз” давлат унитар корхонаси пойтахтнинг энг йирик коммунал корхоналаридан бири бўлиб, жами ичимлик суви тармоқларининг узунлиги 3628,5 кмни ташкил этади. Тошкент шаҳри ва унинг атрофидаги аҳолига бир суткада қуввати 2 млн. 326 минг м.куб бўлган еттита сув иншооти ҳисобига ичимлик суви етказиб берилади.

**— Корхонанинг асосий мақсад ва вазифаларига тўхталиб ўтсангиз.**

— Асосий мақсадимизга Тошкент шаҳри ва унинг атрофидаги аҳоли, муассаса, корхона ва ташкилотларни ичимлик ва оқава сув хизматлари билан узлуксиз таъминлаб туриш, унинг миқдори ва сифатининг талаб даражасида бўлишига эришиш ва ҳисобини олиб бориш, канализация тармоқлари ва коллекторларидан келаётган оқава сувларни тозалаш иншоотларида қабул қилиб олиш, сифатли тозалаш ва чиқариб ташлаш каби масалалар киради.

Корхонамиз Тошкент шаҳридаги энг кўп электр энергиясини сарфлайдиган истеъмолчилардан бири ҳисобланади. Ҳозирда биз электр энергиясини тежовчи замонавий технологияларни жорий қилишга фаол киришдик. Тошкент шаҳар ҳокимияти ва Европа Тикланиш ва тараққиёт банки ўртасида имзоланган 10 млн. АҚШ доллари миқдоридаги кредит шартномасига мувофиқ “Сувсоз” тизимида йирик инвестицион лойиҳа амалга оширилди. Ушбу лойиҳа доирасида Тошкент шаҳрининг мавжуд учта йирик ичимлик сув тозалаш иншоотларидаги эскирган насос ва электр ускуналари замонавий, қулай, кам электр энергия сарфлайдиган насослар билан алмаштирилди. Барча технологик жараёнлар автоматлаштирилди. Натижада, $1м^3$ сувни етказиб бериш учун сарфланадиган электр энергияси миқдори ўртача 30 фоизгача камайди. Шунингдек, кимё-бактериологик лабораторияга ичимлик суви сифатини таҳлил қиладиган ускуналар харид қилиниб, тўлиқ ишга туширилди. Электр энергияни иқтисод қилиш бўйича ўтган йили 173 дона эскирган насос қурилмалари “ГрундФос” компаниясининг замонавий, энерготежамкор насосларига алмаштирилди. Лойиҳа бўйича яна жами 239 дона насос қурилмаларини алмаштириш режамизда турибди.

**— Оқава сув тизимини янгилаш борасида қандай ишлар қилиняпти?**

— Ҳа, бу масала ҳам эътиборимизда, албатта. Бугун шаҳардаги жами оқава сув тармоқларининг узунлиги 2634,1 кмни ташкил қилади. Пойтахт аҳолисининг оқава сув тармоқларига уланганлик даражаси 90 фоиздан ошди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 16 декабрдаги қарорига асосан, умумий қиймати 22.33 млн. АҚШ доллари миқдоридаги Ислом тараққиёти банки иштирокида “Тошкент шаҳар канализация тизимини такомиллаштириш” лойиҳаси доирасида Салор-Бўзсув ва Бектемир оқава сув тозалаш иншоотларида такомиллаштириш ҳамда барча эскирган технологик ускуналарни янгиларига алмаштириш ишлари ниҳоясига етказилди. Шу билан бирга оқава сувлар сифатини назорат қилувчи учта кимё-бактериологик лабораторияларга янги ускуналар харид қилинди. Бунинг натижасида оқава сув иншоотларидаги санитария ҳолати тубдан яхшиланди ҳамда оқава сув тармоқларини эксплуатация қилиш учун замонавий махсус автомашина ва механизмлар харид қилинди. Ушбу лойиҳа орқали Тошкент шаҳрининг оқава сув тизимининг ишончлилиги ошди ҳамда санитар экологик вазият янада яхшиланди.

**— “Сувсоз”нинг Сувтақсимот бошқармасининг фаолиятида қандай ижобий ўзгаришлар татбиқ қилинди?**

— “Сувсоз” корхонамизда “Биллинг” тизими яратилган. Бугунги кунда электрон банк тўлов тизимлари билан мувофиқлаштирилган. Жумладан, Ипотека банки билан ON-LINE тизимида тўловлар олиб бориш йўлга қўйилган. Истеъмолчиларга қулайлик яратиш мақсадида “CALL CENTR” ишга туширилган. Бу марказда истеъмолчилар мутахассисларга боғланган ҳолда ўз ҳисоб рақамларига тегишли исталган маълумотларни олишлари мумкин.

**— 2017 йилнинг 20 апрелида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини комплекс ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш дастури тўғрисида”ги Қарори чиқди. Ушбу қарорнинг соҳани ривожлантиришда муҳим ўрин тутишини алоҳида таъкидлашга ҳожат бўлмаса керак?**

— Ишонасизми, бу қарорнинг ҳар бир жумласи менга “Ухлаётган бўлсанг уйғон, раҳбар бўлсанг одамларингни уйғот. Сенинг зиммангга жуда катта ва ўта савобли иш юкланган” дейилгандай таъсир этди. Ҳар сўзи ва ҳар бир рақам “Сувсоз” ташкилотидаги ҳар бир кишига ҳам йўлланма, ҳам масъулият юклайди. Уни тўлиқ ва сифатли бажариш заруратини яна бир марта эслатиб қўйди.

**— Қарорга берилган шарҳда коммунал соҳага катта масъулият билан қараш айтилган. Хусусан, ушбу қарорнинг амалга оширилишида нималарга алоҳида эътибор қаратмоқчисизлар?**

— Биринчидан, шаҳар, туман ва маҳаллаларда ичимлик суви таъминоти ҳамда канализация тизимларини тубдан яхшилашга, иккинчидан, аҳолини марказлашган ичимлик суви таъминоти билан қамраб олишни 100 фоизга етказиш: учинчидан, аҳолимизга янада қулай ва муносиб ижтимоий-маиший шарт-шароитлар яратиш ишларини амалга оширамиз. Мухтасар қилиб айтганда, ушбу муҳим ҳаётий вазифаларнинг амалга оширилиши шаҳримизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожи, янада обод бўлиши, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифати ошишига хизмат қилади.

**— Шу ўринда ДУК “Сувсоз”да кўп йиллардан буён самарали меҳнат қилаётган ходимларнинг исм-шарифларини ҳам айтиб ўтсангиз.**

— Зокир Солихўжаев, Абдусаттор Ғуломов, Дўнон Казибеков каби фахрийлар билан бир қаторда Н.Асадов, Ф.Каримов, А.Йўлдошев, Ш.Ҳусанов каби кўплаб жонкуяр, ўз касбининг устаси бўлган ходимларимизнинг ҳам номини тилга олишимиз мумкин.

**— Ўта масъулият талаб қиладиган савобли ишингизда жамоадаги барча мутахассисларга муваффақиятлар ёр бўлсин.**

**Тўлқин МУҲИДДИН суҳбатлашди**

Пайшанба – профилактика куни

# ТИНЧЛИКДА ФАРОҒАТ БОР

***Инсон борки, обод жойда тинч ва фаровон ҳаёт кечиришни истайди. Бу жиҳатдан халқимиз кўпчилик ҳавас қиладиган гўзал турмуш тарзига эга, дея хабар беради ЎзА.***

Лекин тинчликнинг, фаровонликнинг қандай заҳматлар эвазига таъминланаётгани ҳақида ҳеч ўйлаб кўрганмисиз? Айримлар хавфсизликни таъминлаш замирида қанчалик машаққат мавжудлигини, бунинг учун туну кун киприк қоқмай хизматда собит турадиган посбонлар меҳнати борлигини билмаса ҳам керак. Акс ҳолда тўқликка шўхлик қилиб, тинчлигимизга рахна солиши мумкин бўлган ёт ақидаларга қизиқармиди?

Қирқ ёшни қаршилаган, тўрт фарзанднинг отаси, кўринишидан тоғни урса талқон қилгулик фуқаро турли диний йўналишдаги сайтларга киришни одат қилганди. Бир қарашда бунинг ёмон жойи йўқдек. Лекин диний-экстремистик гуруҳлар, аввало дин ҳақида чиройли ваъзлар ўқиб, кейин ана шу ниқоб остида қанчадан-қанча кишиларни ўз домига оғдириб олаётгани сир эмас. Энг ёмони, бу йўлга кирган кишининг онги буткул заҳарланиб, бир кун келиб ўз юртига, халқига қарши қурол кўтармаслигига ким кафолат беради?!

Ҳуқуқ-тартибот органларининг ҳушёрлиги боис бу кимсанинг қилмиши фош этилди.

Яшнобод туманидаги “Тонг” маҳалласида бўлиб ўтган сайёр очиқ суд мажлисида унинг қилмишидан маҳалладошлари хабардор бўлди. Ҳамма бирдан сергак тортди. Ўзлари билан ёнма-ён яшаётган, оиласи бошқаларникидан фарқ қилмайдиган бу одамга нима етишмагани ҳаммани ўйлантириб қўйди. Бу қилмишни биринчи марта содир этгани инобатга олиниб, унга энг кам ойлик иш ҳақининг 30 баравари миқдорида жарима солинди.

Суд жараёнида турли можаролар, келишмовчиликлар ҳам қонун доирасида кўриб чиқилди. Лекин суд тугаб, залдан чиқарканмиз, диний экстремизм мавзуси отахон ва онахонларга қаттиқ таъсир этгани уларнинг гап-сўзларидан аён эди. Бу қилмишни содир этган кишини “Шундай қилишга уялмадингми?”, “Болаларингнинг келажагини ўйласанг бўлмайдими?” деган танбеҳларга кўмиб ташлашди. У маҳалладошларига пушаймонлигини билдириб, бошқа бундай қилмасликка сўз берди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан профилактик чора-тадбирларнинг кучайтирилгани, содир бўлаётган нохуш ҳодисаларнинг сабаб ва оқибатлари маҳаллаларда муҳокама этилаётгани жиноятчиликнинг олдини олиш, ҳуқуқбузарликларга вақтида чек қўйишга замин яратмоқда.

Яшнобод туманининг “Наврўз” маҳалласи. Профилактика инспекторининг хизмат хонасида жойлашган мониторда бутун маҳалла кафтдек намоён. Чунки маҳалладаги кўп қаватли уйлар, иншоотларга 80 дан зиёд видеокамера ўрнатилган. Нотаниш кишининг болалар аравачасини ўғирлаб кетаётгани видеокамерага муҳрлангани мазкур жиноятни тезда очишда қўл келди.

Бу билан чегараланиб қолмай, ўғри маҳаллага келтирилиб, унинг қилмиши аҳоли ўртасида муҳокама этилди. Аввал ҳам бир неча марта судланган, ўғриликни касб қилган А. исмли фуқаро ҳамманинг олдида қилмишидан пушаймон эканини айтди.

Ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар кескин камайиб бораётган бўлса ҳам ҳали барҳам топганича йўқ. Демак, ҳали унинг илдизлари бор ва унга барҳам бериш керак. Бу ёшликка, болаликка, аниқроғи таълим муассасасидаги давоматга ҳам бориб тақалади. Чунки ўқувчининг назардан четда қолиши унинг ёмон иллатни “юқтириши”га сабаб бўлади.

Тумандаги 149-умумтаълим мактабидамиз. Давомат 95 фоиз бўлиб, 30 дан зиёд ўқувчи дарсга келмаган. Уларнинг айримлари бетоб бўлса, қолганларида турли баҳоналар бор. 9-синф ўқувчиларидан бири паспорт олиш баҳонасида дарсга келмаган. Яшнобод тумани ички ишлар бошқармаси вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси гуруҳи инспектори Севара Саъдуллаеванинг талаби билан ўқувчининг ота-онасига қайта-қайта қўнғироқ қилингани натижасида ўқувчи мактабга етиб келди. Маълум бўлишича, соат 10 дан ошган бўлса ҳам, у ҳали ўз уйида бўлган. Эрталаб туриб мактабга келишга эринган боланинг “баҳона”сини ота-онаси ҳам маъқуллагани учун улар мактабга чақирилди. Шу куни яна ўнга яқин сабабсиз келмаган ўқувчиларнинг ота-оналари билан суҳбат олиб борилди.

Профилактика тадбирлари натижасида маҳаллалардаги маънавий муҳит, таълим муассасаларидаги давомат яхшиланиб бормоқда. Ўз навбатида, туманда ободонлаштириш, халқнинг ҳаёт сифатини яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар ҳам кучайган. Бунга Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг яқинда Яшнобод туманида бўлиб, мавжуд муаммо ва камчиликларни аниқ-равшан кўрсатиб, уларнинг ечими юзасидан топшириқлар бергани муҳим аҳамият касб этмоқда.

Давлатимиз раҳбари ташриф буюрган “Ширинобод” маҳалласи бугун бунёдкорлик майдонига айланган. Маҳалла ҳудудида болалар майдончаси йўқлиги, болалар боғчаси ишламаётгани, канализация мавжуд эмаслиги аҳолини анча йиллардан бери қийнаб келаётган эди. Буларнинг барчасини бартараф этишга оид кўрсатма асосида ҳозирги кунда амалий ишлар бошланган.

Бу амалий саъй-ҳаракатларни кўриб Яшнобод ҳам номига мос яшнаган, обод туманга айланади, деб умид қилдик. Зеро, халқимиз тинчликда, обод ва фаровонликда яшашга муносиб.

**Норгул АБДУРАИМОВА**

# СОҒЛОМ НИКОҲ – СОҒЛОМ ОИЛА НЕГИЗИ

***Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида Саломатлик ва тиббий статистика институти Тошкент шаҳар филиали ҳамда Ўзбекистон экологик ҳаракати Тошкент шаҳар ҳудудий бўлинмаси билан ҳамкорликда “Соғлом никоҳ – соғлом оила” шиори остида тадбир бўлиб ўтди.***

Мазкур анжуманда Олмазор тумани тиббиёт бирлашмаси шифокорлари, Юнусобод тумани ўсмирлар диспансери шифокорлари ва талаба-ёшлар иштирок этди.

Тадбир қатнашчиларига давлатимиз томонидан яратилаётган кенг имкониятлар, тиббий кўрикнинг қанчалик муҳим аҳамият касб этиши тўғрисида алоҳида тўхталиб, маълумотлар берилди. Шунингдек “Соғлом келажак – юрт таянчи” номли видеороликлар ҳам тақдим этилди.

– Ушбу тадбирни ўтказишимиздан мақсад, оила — муқаддас қўрғон эканлиги, оила мустаҳкам бўлиши учун ҳар бир йигит ва қиз маънан етук, жисмонан баркамол бўлиши лозимлигини ёшлар онгига чуқурроқ сингдириш. Қолаверса, қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳларнинг ҳозир ҳам давом этаётганлиги, йигит-қизларнинг турмуш қуришдан олдин тиббий кўрикдан ўтмаслиги, балоғат ёшига етмай туриб оила қуриш каби ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган, – дейди Саломатлик ва тиббий статистика институти Тошкент шаҳар филиали директори ўринбосари Азизбек Низамов. – Шунингдек, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи ва тиббий маданиятни шакллантириш ҳамда уларни она табиат ва унинг неъматларига меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ишларига ёшларни кенг жалб қилиш, озодалик ва ободлик, поклик каби миллий анъаналаримиз, экологик маданиятни юксалтиришга барчамизнинг масъуллигимизни уқтиришдир.

Шу ўринда айтиш жоизки, бугунги кунда юртимизда оилани мустаҳкамлаш, соғлом оилани барпо этиш, оилалар аҳиллигига эришиш мақсадида турли чора-тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда. Мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг туб негизида аҳоли фаровонлигини мустаҳкамлаш, соғлигини сақлаш, ёш ва келажак авлодларга қулай ижтимоий, иқтисодий, экологик муҳит яратиш алоҳида ўрин тутади.

Ушбу мавзудаги тадбир Алишер Навоий номидаги ўзбек тили ва адабиёти университетида ҳам бўлиб ўтди.

**Зафар НАЗАРОВ**



# ЭРТАМИЗ БУГУНДАН-ДА ОБОД

***Ўсиб келаётган ёш авлоднинг интеллектуал салоҳиятини янада юксалтириш, уларни миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, психологик билим ва кўникмаларини шакллантириш мақсадида “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Миробод тумани Кенгаши қошида “Ёш тренерлар клуби” тўгараги фаолият кўрсатиб келмоқда.***

Бугунги кунда тўгаракда 120 дан ортиқ талаба-ёшлар, 24 нафар уюшмаган ёшлар, 8 нафар кам таъминланган оила фарзандлари фаол иштирок этиб, келгусида фаолиятларида асқотадиган билим ва кўникмаларга эга бўлишмоқда. Тумандаги ёшлар турли хил йўналишларда таълим олиш билан бирга ўз соҳаларида иқтидору маҳоратларини намоён қилишаётгани қувонарли.

“Ёш тренерлар клуби” тўгараги аъзолари келгусида кенг салоҳиятли, билимли ва албатта юрт равнақига ярайдиган тренер бўлиб етишишлари учун 3 ойлик семинар-тренинглар ўтказилди. Семинар-тренингларда малакали мутахассислар билан бир қаторда “Ёш тренерлар клуби” аъзолари ҳам тренер сифатида иқтидорларини намоён этдилар.

Семинар-тренинглар якунида ўз иқтидори, ташаббускорлигини намоён этган ёшларга “Камолот” ЁИҲ Миробод туман Кенгаши томонидан сертификатлар топширилди.

Мамлакатимиз тараққиётига ҳисса қўшадиган, дунёқараши кенг, нотиқ, тренерлик маҳорати, мустақил фикрлайдиган, чуқур билимга эга бўлган етук кадрларни етиштиришга хизмат қиладиган мазкур тўгаракнинг келгусидаги режалари катта.

**Умиджон НАБИЕВ**

## Реклама ва эълонлар

**Диққат! Диққат! Диққат!**
**Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан чет эл инвесторлари диққатига!**

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси, “Respublika mulk markazi” МЧЖ “Poytaxt filiali” бошланғич нарх босқичма босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

Аукцион савдоларига Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 53-уй манзилида жойлашган “Иссиқликққувваттаъмир” масъулияти чекланган жамияти устав фондидаги 51,06 фоиз давлат улуши такроран қўйилади.

**Бошланғич нархи – 2 629 830 130 сўм;**

Балансда сақловчи: “Иссиқликқувваттаъмир” МЧЖ.

Фаолияти ихтисоси: қурилиш-монтаж ишлари, квартал ичидаги ва магистрал иссиқлик ўтказиш шохобчаларини қурилиши ва капитал таъмирлаш ишлари, коммунал хўжалиги объектларини умумий қурилиш ишлари.

Савдо ташкилотчиси: “Respublika mulk markazi” МЧЖ “Poytaxt filiali”, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Истиқбол кўчаси, 34-уй. Телефон: (0-371) 236-38-28. веб-сайт: www.rmm.uz. Электрон почта манзили: user01@inbox.uz. Гувоҳнома: 001805.

**Аукцион савдоси 2017 йил 5 июнь куни соат 15:00 да ўтказилади.**

Аукцион савдоси шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолар 2017 йил 19 июнь, 4, 18 июль, 2, 16, 30 август, 14, 28 сентябрь, 12, 26 октябрь, 10, 24 ноябрь, 12, 27 декабрь ва 2018 йил 11 январь кунлари соат 15:00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдолари натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 20 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Талабгорлар давлат активи бошланғич нархининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорда олдиндан Савдо ташкилотчиси (“Respublika mulk markazi” МЧЖ “Poytaxt filiali”)нинг қуйидаги банк реквизитларига закалат пулини тўлашлари лозим: АИТБ “Ипак йўли” Сағбон филиалидаги ҳ/р: 20210000500571452141, МФО: 01036, СТИР: 200933850. ОКОНХ: 83300.

Аукционда қатнашишга буюртманома қабул қилиш билдиришнома эълон қилинган санадан бошланади ва билдиришномада кўрсатилган аукцион савдоси ўтказиладиган куни савдо бошланишидан уч соат олдин тамом бўлади.

Аукционда қатнашиш учун савдо ташкилотчисига талабгор ёки унинг вакили аукцион ўтказиш тўғрисидаги эълонда белгиланган муддатларда шахсан ёки почта бўйича қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда аукционда қатнашишга буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

юридик шахслар учун – давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

жисмоний шахслар учун – паспортнинг нусхаси, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек қонун хужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Истиқбол кўчаси, 34-уй.

Маълумот учун телефонлар: (0-371) 236-38-28. Факс: (0-371) 236-38-28.

Электрон почта: user01@inbox.uz. Интернет тармоғидаги веб-сайт: www.rmm.uz, www.gki.uz, www.gkitorg.uz.

Ҳурматли тадбиркорлар ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат рақобат қўмитасининг (0-371) 259-21-37 рақамли Ишонч телефонига зудлик билан хабар беришингиз сўралади!

**Савдоларга марҳамат қилинг!**

